

Орзиев Махмуд Зайниевич  
Бухоро давлат университети  
“Жаҳон тарихи” кафедраси доценти, т.ф.ф.д. (PhD)

## XX АСРНИНГ 70-80 ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ АНГОЛА ВА МОЗАМБИК БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ ХУСУСИДА...

**Аннотация.** XX асрнинг иккинчи ярмида Африка давлатларининг миллий мустақилликни қўлга киритиш жараёнлари содир бўлиб, мустамлака асоратларидан халос бўлиш борасидаги саъй-ҳаракатлар бошланган. Айниқса, Тропик Африка минтақасидаги Ангола ва Мозамбик давлатлари 1975 йилда миллий мустақилликни қўлга киритгандан сўнг, метрополияларга иқтисодий қарамликдан қутилиши учун собиқ СССР билан яқинлашиш йўлидан борганлар. Собиқ СССР ушбу давлатларда ҳарбий, сиёсий, техникавий каби соҳаларда ёрдам берган. СССР таркибидаги Ўзбекистон ҳам бу алоқаларда четда турмаган. Ўзбекистон асосан қишлоқ хўжалиги ва шу соҳага оид техникаларни етказиб бериш, тропик минтақа шароитида пахта етиштириш, ундан мўл ҳосил олиш, собиқ СССР тартиблари асосида хўжаликлар ташкил қилиш, пахта етиштиришининг илмий асосларини яратишда, қишлоқ хўжалик техникаларини бошқариш, уларнинг маҳаллий аҳолига етказиб бериш, Ангола ва Мозамбик халқларини советча тартиблар асосида жамият қуришга ва яшашга ўргата бошлаганлар. Ўзбекистон саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар Африканинг турли давлатларига етказиб берилган. Асосан қишлоқ хўжалиги техникаларидан иборат маҳсулотларнинг Африка давлатларида кўرғазмалари уюштириб турилган. Шунингдек, Мозамбикда ўтказилган кўрғазмага айниқса маҳаллий аҳоли кўп таширф буюрганлиги тарихий адабиётларда келтириб ўтилган.

**Калит сўзлар:** Мустақиллик, иқтисодий алоқа, қишлоқ хўжалиги, ўзаро муносабатлар, пахта экиш, мўл ҳосил, социалистик жамият, хўжалик юритиш, кўрғазма, экспорт, мутахассис, меҳнаткаш.

## ОТНОСИТЕЛЬНО ОТНОШЕНИЙ УЗБЕКИСТАНА С АНГОЛОЙ И МОЗАМБИКОМ В 70-80-Х ГОДАХ XX ВЕКА...

**Аннотация:** Во второй половине XX века происходили процессы обретения национальной независимости африканскими странами, начались усилия по избавлению от колониальных осложнений. Особенно страны Анголы и Мозамбика в тропическом африканском регионе после обретения национальной независимости в 1975 г. пошли по пути сближения с бывшим СССР, чтобы избавиться от экономической зависимости от метрополий. Бывший СССР помогал этим странам в военной, политической и технической областях. Узбекистан, входивший в состав СССР, не остался в стороне от этих отношений. Узбекистан в основном занимается сельским хозяйством и поставкой оборудования, связанного с этой сферой, выращиванием хлопка в условиях тропического региона, получением от него обильных урожаев, организацией фермерских хозяйств по методикам бывшего СССР, созданием научной базы выращивания хлопка, управляя сельхозтехникой, доставляя ее местному населению, Ангола и Они стали учить мозамбикцев строить общество и жить по советским правилам. Продукция, произведенная на промышленных предприятиях Узбекистана, поставлялась в различные страны Африки. Выставки продукции сельскохозяйственной техники организуются в странах Африки. В исторической литературе также упоминается, что выставка, проходившая в Мозамбике, посетила большое количество местных жителей.

**Ключевые слова:** Независимость, хозяйственная связь, сельское хозяйство, взаимодействие, хлопководство, богатый урожай, социалистическое общество, хозяйство, выставка, экспорт, специалист, работника.

## REGARDING UZBEKISTAN'S RELATIONS WITH ANGOLA AND MOZAMBIQUE IN THE 70-80S OF THE 20TH CENTURY...

*Abstract.* In the second half of the 20th century, the processes of gaining national independence of African countries took place, and efforts to get rid of colonial complications began. Especially, the countries of Angola and Mozambique in the tropical African region, after gaining national independence in 1975, followed the path of rapprochement with the former USSR in order to get rid of economic dependence on metropolises. The former USSR helped these countries in military, political, and technical fields. Uzbekistan, a part of the USSR, was not left out of these relations. Uzbekistan is mainly involved in agriculture and the supply of equipment related to this field, growing cotton in the conditions of the tropical region, obtaining abundant harvests from it, organizing farms based on the procedures of the former USSR, creating the scientific basis of cotton cultivation, managing agricultural equipment, delivering it to the local population, Angola and They began to teach the Mozambican people to build a society and live on the basis of Soviet rules. Products produced in Uzbekistan's industrial enterprises were delivered to various African countries. Exhibitions of agricultural machinery products are organized in African countries. It is also mentioned in the historical literature that the exhibition held in Mozambique was attended by a large number of local residents.

**Keywords:** Independence, economic communication, agriculture, interaction, cotton planting, bountiful harvest, socialist society, economy, exhibition, export, expert, hard worker

**Кириш.** Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, урушнинг кўп машаққатларини ўз елкасига олган ва фашизм устидан қозонилган ғалабада ҳал қилувчи рол ўйнаган собиқ СССРнинг халқаро майдонда таъсири ошиб, мустамлака тартибларида яшаётган Африка халқлари орасида социалистик ва озодлик ғояларининг ёйилишининг кучайишига сабаб бўлганди. Инглиз, француз ва бошқа Европа мамлакатлари мустамлакалари бўлган Африка халқлари ва мамлакатларда авж олган миллий озодлик ҳаракатларини собиқ СССР ҳамшиша қўллаб-қувватлаб турган. СССР таъсирининг ошиши ва Африка мамлакатларида СССР намунасидаги социалистик жамиятлар қуриш ғояси тез тарқала бошлаган. Бу ҳол XX асрнинг 50-70 йилларида айниқса кўзга ташланган. “1950-1970 йилларда Совет иттифоқининг ташқи сиёсати глобаллашиб бориб, ушбу сиёсатнинг бир қисми ривожланаётган ва эндигина мустақилликни қўлга киритган Ғарбий Африка давлатлари (Гана, Мали, Конго, Гвинея)га ҳам мустамлакачилик асоратидан қутилиш, совет намунаси асосидаги жамиятлар қуриш ғояларининг тарқалишида намоён бўлган[11, 273]”-лиги билан боғлиқ маълумотлар тарихий адабиётларда келтириб ўтилган.

**Адабиётлар шарҳи.** Ўрганилаётган мавзуга оид тарихий адабиётлар асосан собиқ СССР даврида чоп этилган бўлиб, уларда коммунистик мафкура устун бўлганлиги сабабли танқидий нуқтаи-назардан ўрганишга эътибор қаратдик. Айниқса, М.А. Ахунова, А.М. Касымов, О.А. Тошпулатов С.А. Фролова кабиларнинг асар ва мақолаларида, Шунингдек, ўша давр оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистоннинг Ангола ва Мозамбик давлатларига кўрсатган моддий-техник ёрдами, ушбу давлатлар билан муносабатларининг турли жабҳалари ёритилган.

**Natijalar va Munozara.** Собиқ СССР ташқи сиёсатининг Африка ва айниқса тропик минтақадаги давлатларга қаратилиши бу ҳудудларда пахта, кофе каби турли саноатбоп маҳсулотлар, бой қазилма бойликлар сабаб бўлган деб айтиш мумкин. Аммо, тарихий манба ва адабиётлардаги маълумотлар таҳлили СССР ушбу давлатларга халқ хўжалигини тиклаш, замонавий завод ва фабрикалар қуриш борасида катта амалий ишларни бажарганлиги ва унда Ўзбекистоннинг ҳам роли, аҳамияти катта бўлганлигини кўрсатади. Бу эса жамият қурилиши, давлат апаратининг тузилишида намоён бўлган. 1979 йилги маълумотларга қараганда, Африканинг 30% ҳудуди ва аҳолисининг 25% ни қамраб олган мамлакатлар социалистик жамият қуришни эълон қилган бўлиб, улар орасида Анголола ва Мозамбик ҳудуди ва аҳолиси бўйича муҳим аҳамият касб этган[4, 494]. СССРнинг XX аср 70-йилларидан бошлаб Африка жанубидаги асосий иттифоқчилари собиқ Португалия колониялари бўлган Ангола ва Мозамбик давлатлари бўлиб, биз ушбу давлатлар билан

собик СССР таркибида бўлган Ўзбекистон ССРнинг ўзаро 70-йиллар охири – 80-йиллар бошларида пахтачилик соҳасидаги муносабатларига имкон қадар тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Ангола ва Мозамбик (ҳар иккаласи 1975 йил мустақилликни қўлга киритган) давлатлари тропик Африкада жойлашган бўлиб, миллий мустақилликдан сўнг жамият тараққиётининг социалистик йўналишини танлаган. Шу вақтдан бошлаб, уларнинг СССР ва у орқали Ўзбекистон билан иқтисодий алоқалари ривожланиб борган. 70 йилларнинг иккинчи ярмига қадар ҳам Ўзбекистоннинг Самарқанд, Тошкент, Чирчиқ, Қўқон шаҳарларидаги заводларда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари Гвинея, Мали, Жазоир ва бошқа Африка давлатларига экспорт қилинган. Шунингдек, Тошкент текстил корхонаси маҳсулотлари айниқса Жазоирда харидоргир бўлган. 70-йиллар иккинчи ярмидан бошлаб эса, уларнинг Ангола ва Мозамбик ҳудудларига кириб борганлигини кўриш мумкин. Шу вақтдан бошлаб, юзлаб ўзбекистонлик ишчилар Ангола ва Мозамбикда янги социалистик жамият тартиблари қуриш йўлида ишлай бошлаганлар[1, 22-23]. Яъни колхоз ва совхозлар қуриш, пахта етиштириш тажрибаларини ўртоқлашганлар.

Тарихий адабиётларда биргина Мозамбикда советча тартиблар асосида хўжалик юритиш ва пахта етиштириш бўйича Ўзбекистон ССР ёрдами беқиёс бўлган. 1977-1981 йилларда Мозамбикнинг Нампула ўлкасида учта СССР типидagi совхоз ташкил этиш, шунингдек, пахтачилик илмий-тадқиқод маркази ташкил этишга кўмаклашганлар[9, 12]. Бу Мозамбик ҳудудида пахтачиликнинг ривожланиши ва иқтисодий кўрсаткичларни ошишига хизмат қилган. Мозамбик давлати аграр давлат бўлиб, саноатнинг етарли даражада ривожланмаганлиги, қишлоқ хўжалигига аҳолининг катта қисми банд бўлганлиги каби қатор омиллар саноатнинг дастлаб қишлоқ хўжалик билан боғлиқ тармоқларини ривожлантиришни талаб этган. 70-йилларнинг охиридан бошлаб, Мозамбик Халқ Республикасига Ўзбекистоннинг Тошкент, Самарқанд, Чирчиқ, Андижон, Қўқон ва бошқа шаҳарларида тайёрланган пахта териш машиналари, пахта тозалаш ускуналари, экскаваторлар, тракторлар, уларнинг эҳтиёт қисмлари, тиркамалар, киноаппаратуралар, кабеллар, пайвандлаш трансформаторлари, культиваторлари, компрессорлар, филтрлар ва бошқа маҳсулотларни экспорт қилинганлиги тарихий адабиётларда келтириб ўтилганлигини кўриш мумкин[9, 13]. Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан қисман бўлсада Мозамбик иқтисодиёти саноатлаша бошлаган деган хулосаларга келиш мумкин.

Мозамбик давлатининг Нампула ўлкасида ўзбекистонлик мутахассислар 1982 йилда учта йирик пахта етиштиришга ихтисослашган хўжалик тузишга ёрдам берганлар. Ушбу хўжаликларда пахта етиштириш билан боғлиқ бўлган барча техникалар ҳам Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган. Пахтага ишлов беришда Ўзбекистон тажрибаси қўлланилиши натижасида Нампула ўлкаси хўжаликлари пахтадан юқори ҳосил ола бошлаганлар. Хўжаликлар тузилганининг дастлабки йилд аёқ пахтадан 30 ц/га ҳосил ола бошлаганлар[7]. Бу каби ҳосил Мозамбикнинг мустамлака даврида олинмаганлиги адабиётларда келтириб ўтилган. Ўзбекистонликларнинг Нампула ўлкаси деҳқонлари билан турли алоқалари мустаҳкамланиб борганлиги билан боғлиқ маълумотлар тарихий адабиётларда сақланиб қолинган. Жумладан, 1983 йилда Ўзбекистонда Мозамбик кунлари ўтказилган. Бу икки томонлама ҳамкорликнинг ривожланаётганлигининг ва ўзбекистонликларнинг Мозамбикка қизиқиши ортаётганлигини кўрсатувчи омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, 1984 йилда Ўзбекистон меҳнаткашлари Мозамбик Нампула ўлкаси пахтакор-деҳқонларига иш вақтида кийиладиган махсус кийимлар совға қилганлар. Мозамбик ҳукумати номидан уни Гаспар Зимба (1982 йил Мозамбикнинг қирғоқбўйи порт шаҳри Мапуту ҳоқими) қабул қилиб олган[8,16]. Ўзбекистонликларнинг беғараз ёрдамлар Мозамбик халқида СССР давлатига бўлган умид ва унинг ёш, мустақил Республикани ҳар томонлама қўллаб-қувватлашига ишонч уйғотган. Ўзбекистонлик меҳнаткашлар Мозамбикнинг Мапуту шаҳридаги ярмаркага ўз маҳсулотлари билан 1982 йилдан бошлаб қатнаша бошлаган. 1982 йилги ярмарка намоишлари доирасида Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган пахта териш машиналари, тракторлар, тиркамалар, кўсак чувиш машиналари, сеялка ва бошқалар намоиш этилган. Мозамбикда ушбу кўрғазмани кўриш учун икки млндан кўпроқ одам ташриф буюрган[5,85]. Бу кўрғазмининг мозамбикликларда

катта таассурот уйғотганлигидан далолат беради. Мозамбик давлати билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар 80-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб қисқариб, собиқ СССРнинг тарқалиб кетиши билан деярли узилиб қолган.

Тропик Африка минтақасидаги Ангола давлати қишлоқ хўжалигида пахта етиштириш муҳим аҳамият касб этади. Мустақилликка эришгандан сўнг ушбу давлат ҳам пахтачиликни ривожлантириш борасидаги изланишлари ортидан собиқ СССР ва у орқали Ўзбекистон билан узвий алоқаларни бошлаган. 1984 йилги маълумотларга қараганда, Анголада етиштириладиган пахтанинг 80% ташселмаш заводида тайёрланган пахта териш машиналари ёрдамида йиғиштириб олина бошланган. Шунингдек, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган сеялка, культиватор, тиркамалар, шунингдек, Т-28х4М ва МТЗ-80-х каби Тошкент трактор заводи ишлаб чиқарадиган машиналарни хўжалик ҳаётда кенг қўллаган[8,12-13]. Янги МТЗ-80х тракторларини Анголага етказиб бериш 1979 йил июнь ойида бошланган[2]. Ушбу факт ва рақамлардан кўриниб турибдики, 70-йилларнинг иккинчи ярмидан бошланган ҳамкорлик 80-йилларнинг биринчи ярмида пахтани саноат даражасида етиштириш, уни экиш, ишлов бериш, териш олиш ишларини техника зиммасига юклана бошланган. 80-йилларда чоп этилган илмий журналларда бу хусусда тўхталиб ўтилган бўлиб, Ўзбекистоннинг Ташсельмаш заводида ишлаб чиқарилган пахта териш машиналари анголалик деҳқонларда ижобий таъсурот уйғотган ва ўзларига бегараз етказиб берилган пахта териш машиналари учун Ташсельмаш заводи ишчиларига ўз миннатдорчиликларини билдириб мактуб йўллаганликларига оид маълумотлар сақланиб қолганлигини кўриш мумкин[9,13].

Ўзбекистон меҳнаткашлари Ангола ва Мозамбикда давлатга қарашли қишлоқ хўжаликларини ташкил этишдаги асосий вазифани бажарганлар. Ушбу вазифани бажаришда Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги бош пудратчи вазифасини ўтаган. Биргина Анголада бош пудратчига дастлабки даврда 500 га ер майдонга эга бўлган давлат хўжаликларини тузиш, уларда буғдой ва пахта етиштиришни йўлга қўйиш вазифаси юкланган. Белгиланган вазифаларни муддатида бажариш мақсадида Ўзбекистондан Анголага турли техникалар, мутахассислар келтирилган. Анголага биринчилардан борган қишлоқ хўжалиги мутахассислари сифатида инженер-гидротехник И.Г. Файрадян, техник-курувчи Н.Г. Муродов, инженер-механик М.А. Баклан, автомеханик С.Рахматуллаев, тракторчи Ш.Г. Курбонов, техник-механик Ш.Р. Тохиров, инженер-гидротехник О.Дўсматов, тракторлар таъмири бўйича слессар Ф.И. Чиликовларнинг исм-фамилиясини келтириб ўтиш мумкин[8]. Ушбу мутахассислар ёрдамида 1978 йил Луанда шаҳри яқинида советча тартиблар асосида ишлайдиган хўжалик тузилиб, синовдан ўтказилган. Хўжаликда пахтанинг бир неча сортларини экилган бўлиб, иқлимий хусусиятларга эътибор қаратилганлиги сабабидан Тошкент-1 сорти кўпроқ экилган. Йил охирида пахтанинг ҳар гектаридан 42 ц/га ҳосил олинган. Солиштириш натижасига кўра Ангола пахтакорлари пахтадан энг юқори ҳосилни 1973 йилда 7,3 ц/га олганликлари қайд этилган[10,22]. Бу советча тартибларга ишонч, жамоавий ишлаш афзаллиги кабиларни кўрсатувчи омил бўлиб хизмат қилган. 1978 йилда тузилган хўжаликлар ўзини оқлагандан сўнг, ўзбекистонлик мутахассислар ва ишчилар иштирокида Анголанинг Луанда, шимолий ва жанубий Кванзе, Маланж каби ўлкаларида пахтачиликни ривожлантириш мумкин бўлган ерлар ва уларни суғориш масалаларига оид комплекс ишлар амалга оширила бошланган. 1980 йилги маълумотларга қараганда, Анголада пахта экиладиган ерларнинг кўпайиб борганлиги сабабли, пахтани хом-ашё эмас, ҳеч бўлмаганда ярим фабрикат маҳсулот сифатида сотиш ҳаракати бошланган. Шу йили Ўзбекистон ССР томонидан кўрсатилган ёрдам билан Анголадаги тўртта пахта тозалаш заводини қайта тикланиб ишга туширилган[9,14]. Ўзбекистонликларнинг саъй-ҳаракатлари билан Ангола меҳнаткашлари пахта саноатини йўлга қўя бошлаганлар деб хулоса қилиш мумкин. Бундай хулоса чиқаришга асослар етарли бўлиб, айрим ўзбекистонликлар Анголага бориб маҳаллий аҳоли билан биргаликда далаларда меҳнат қилганлар. Жумладан, Анголанинг Маланж ўлкасидаги Какузо деб номланувчи давлат хўжалигида ҳар куни икки минг анголалик пахта терувчилар билан биргаликда қирққа яқин ўзбекистонликлар ҳам ишга чиққанлар[3]. Бу юқорида келтириб ўтган фикр-мулоҳазаларимизни асослашга хизмат қилади. Бундай хулосага келишимизнинг

яна бир сабаби, 1980 йил май ойида Ангола МПЛА (Ишчи партияси) етакчиси ва Президент Эдуарду душ Сантуш Анголанинг Икола ва Бенга муниципалитетларидаги давлат хўжалигидаги йиғилишда “Пахта Ангола иқтисодийнинг муҳим тармоғи эканлигини, Икола ва Бенга аҳолисини социалистик лагердаги дўстларнинг меҳнат тажрибалари ва билимларини ўрганиш зарурлиги[6]”-билан боғлиқ фикр-мулоҳазаларни келтириб ўтганлиги билан ҳам боғлиқ деб ҳисоблаймиз.

1983 йил Ангола пойтахти Луандада ўтказилган қишлоқ хўжалиги техникалари кўргазмасида Ўзбекистон томони МТЗ-80х трактори, ХНП-1,8 пахта териш машинасини, 2-ПТС-4-793 тиркамасини, СЧХ-4А-1 сеялкасини, УПХ-1,5 кўсак чувиш машини ва бошқаларни намойиш қилган[9,15]. Бу кўргазма маҳаллий аҳоли ва деҳқонларда катта таъсурот қолдирган. Ангола томони собиқ СССРдан ушбу техникаларни арзонлаштирилган ҳолда сотиб ола бошлаган. Собиқ СССР саноат маҳсулотлари ва техника воситаларини арзон сотиш орқали ғарб давлатларидаги рақобатчиларни сиқиб чиқаришни мўлжаллаган. Шу сабабли Африканинг турли мамлакатларида кўргазмалар, техника воситалари намойишлари ўтказилиб турилган. Жумладан, 1984 йилги маълумотларга қараганда, Ўзбекистоннинг 230 та йирик саноат корхонаси маҳсулотлари Африканинг турли давлатларга экспорт қилинган. Энг йирик экспорт маҳсулотлари қабул қиладиган давлатлар сифатида Гвинея, Марокаш, Судан, Тунис, Ангола, Мозамбик давлатлари санаб ўтилган. Шунингдек, дунёнинг 66 давлатига Ўзбекистон маҳсулотлари экспорт қилинган бўлса, улар орасида Африка давлатлари сони ўн бештани ташкил қилган[5,85]. Ўзбекистон маҳсулотлари Африка давлатларида иқтисодий ҳаётни кўтаришга, аҳолини фаровон яшашини таъминлашда муҳим аҳамият қасб этган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон Африка мамлакатлари, хусусан Ангола ва Мозамбик давлатлари билан собиқ СССР таъсири доирасида ижтимоий-иқтисодий муносабатларга киришган бўлиб, ўзбекистонликлар асосан қишлоқ хўжалиги техникаларини етказиб беришда, ушбу давлатларда совет тартибидаги хўжаликларни шакллантириш, пахта етиштиришни йўлга қўйиш ва ундан мўл ҳосил олишда қатнашганлар. Ангола ва Мозамбик халқлари билан елкама-елка туриб меҳнат қилган ўзбекистонликлар Африка халқларининг мустамлака асоратларидан қутилиб, янги ҳаёт қуришда жонбозлик ўқратганлар.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ахунова М.А. Рабочий класс Узбекистана-строитель коммунизма. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар (Общественные науки в Узбекистане). 1984. № 10. - С. 15-23.
2. Вечерний Ташкент. 1979. №, 27 июня.
3. Известия 1983 г., 5 августа.
4. История внешней политики СССР 1945-1980 / ред. А. А. Громько, Б. Н. Пономарев. – Москва : Наука, 1981. – Том 2. – 590 с
5. Касымов А.М. Советский Узбекистан на международной арене. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар (Общественные науки в Узбекистане). 1984. № 10. – С. 82-88.
6. Правда Востока 1980 г., 2 ноября.
7. Советский Узбекистан 1982. № 9. – С. 7.
8. Ташкентская правда газета 1978 год, 9 декабря
9. Тошпулатов О.А. Вклад рабочего класса Узбекистана в развитие экономических связей СССР с Анголой и Мозамбиком. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар (Общественные науки в Узбекистане). 1984. № 9. – С. 12-16.
10. Фролова С.А. Ангола: нет дороги обратно. – Т.: Узбекистан, 1980. – 56 с.
11. Iandolo A. Soviet Policy in West Africa, 1957-64 Thesis submitted for the degree of Doctor of Philosophy, International Relations Department of Politics and International Relations, St Antony's College, University of Oxford Word count: Trinity Term 2011. - 306 p.